

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 18-19 март кунлари Тошкент вилоятида бўлди.

Нурафшон шаҳрида 19 март куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида йиғилганларни яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан табриклади. Тошкент вилояти мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутишини таъкидлади.

– Тошкент вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш бўйича улкан салоҳият бор. Шунинг учун вилоятга жуда катта марра қўйганмиз. Лекин, шунга яраша натижа сезилмаяпти, ўрта бўғин раҳбарлари “аравани тортолмаяпти”. Энди бизга фақат пахта, ғалла деб юраверадиган ҳокимлар керак эмас. Пахта билан ғаллани манфаат қилиши керак. Ҳоким эса ҳозирги замонга муносиб, устувор йўналишларни яхши

биладиган ва жой-жойига қўядиган, вилоятдаги 2 миллион 994 минг аҳолини рози қиладиган бўлиши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Даврон Ҳидоятлов номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия этди.

Д.Ҳидоятлов 1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1996-2009 йилларда банк тизимида, 2014 йилгача автосаноат тармоғида фаолият юритган. 2014-2020 йилларда Хусусийлаштириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, Чилонзор тумани ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Халқ депутатлари, вилоят фаоллари сўзга чиқиб, номзод ҳақида фикрларини билдирди. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Даврон Ҳидоятлов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб

тасдиқланди.

Сессияда вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича асосий йўналиш ва вазифалар муҳокама қилинди.

Аввало аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш масалаларига эътибор қаратилди. Вилоятдаги 1 минг 48 та маҳалла билан манзилли ишлаб, “ўсиш нуқталари”ни ҳаётга татбиқ этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг даромади ва харид қобилиятини ошириш бўйича вазифалар қўйилди.

2021-2022 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида жами қиймати қарийб 120 триллион сўм бўлган 1 минг 108 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши таъкидланди. Уларнинг 1 минг 60 таси ҳудудий, 48 таси йирик тармоқлар лойиҳаларидир. Буларнинг натижасида 52 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Д.А.ХИДОЯТОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ Даврон Абдулпаттахович Хидоятлов Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 19 март

➤ **Қадриятлар бешигисан,
маҳаллам!**

ТАҚДИРИМИЗГА ТУТАШ МАСКАН

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида “Маҳалла институтининг давлат ва жамият бошқарувида тутган ўрни” мавзусида брифинг ташкил этилди.
(Давоми 2-саҳифада)

➤ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Мингбулоқ туманида замонавий иссиқхона фойдаланишга топширилди

Жанубий Кореянинг “Yeollin Engineering Co., Ltd” компанияси томонидан қиймати 1 млн. 114 минг долларлик технологиялар инвестиция кўринишида олиб келиниб, “Green house” хорижий корхонаси замонавий иссиқхонаси ташкил этилди.

Замонавий иссиқхонанинг умумий ер майдони 2 гектар бўлиб, лойиҳа қиймати 1,5 млн.АҚШ долларига тенг.

20 нафар янги иш ўринлари яратилди.





ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Наврўз" умумхалқ байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги **Фармонни** имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **140** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **4** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **69** нафари жазони ўташдан муддатидан

илгари шартли озод қилинди, **8** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **59** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **12** нафарини чет эл фуқароси, **9** нафарини 60 ёшдан ошган шахс, **13** нафарини аёл ҳамда **14** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахс ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ТАҚДИРИМИЗГА ТУТАШ МАСКАН

(Боши 1-саҳифада)

Унда вазирлик ташкил этилишининг ижтимоий зарурати, ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар, келгусидаги режалар, белгиланган муҳим вазифалар, шунингдек, жорий йилнинг 22-28 март кунлари "Маҳаллаларда миллий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳафталиги" доирасида юртимизда ўтказиладиган тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилиши маҳалла тизими фаолиятини жамиятнинг энг муҳим бўғини сифатида шакллантириш ҳамда оилалар билан самарали иш олиб боришда мутлақо янги, амалий натижаларга асосланган туб бурилиш даврини бошлаб берди.

Жамиятда ижтимоий муаммоларга комплекс ёндашувчи янги давлат ташкилоти сифатида вазирликнинг энг асосий функциялари бевосита халқнинг турмуш даражасини ошириш ва бу эътиборнинг энг аввало, эътиёманд оилаларга қаратилгани тарихий зарурат сифатида кенг жамоатчилик, айниқса, халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилмоқда.

Ўтган қисқа вақт мобайнида вазирлик томонидан аҳоли осойишталигини таъминлаш, нурунийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш каби муҳим вазифалар қаторида

хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳаларда қобилият ва салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур шароитларни яратиш, касб-хунарли қилиш, бандлигини таъминлаш, оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларга кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, ўтган йил бошланган мураккаб пандемия шароитида юртимиздаги мавжуд 9199 маҳалланинг қарийб 40 минг нафарга яқин ходими, жамоатчилик асосида ишлаётган 767 минг фаоли жойларда аҳолига ёрдам кўрсатди.

Оилалар билан ишлашда вазирлик томонидан бир қатор амалий чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилди. Аҳоли, айниқса, эътиёманд оилалар билан ишлаш бўйича аниқ механизм ишлаб чиқилди. Вазирлик томонидан Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан 1246 нафар хотин-қизга уй-жой олиш учун салкам 22 миллиард сўмга яқин бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди. 4213 нафар аёл ва қизга 5 миллиард сўмга яқин реабилитация воситалари етказиб берилди. 13 минг нафар кекса нуруний санаторияларда соғломлаштирилди. 11 минг 200 нафарга яқин ногиронлиги бўлган кексага реабилитация воситалари етказиб берилди.

Вазирлик ташаббуси билан маҳаллий ҳокимликлар томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижаси-

да ўтган бир йил давомида 472 маҳалла биноси янгидан қурилиб, 166 та фуқаролар йиғинининг 166 та биноси реконструкция қилинди. 1 минг 292 та бино эса жорий таъмирланди. Қарийб мингга яқин маҳалла биноси маҳалла балансига ўтказиб берилди.

"Маҳаллаларда миллий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳафталиги" доирасида адабиёт, маданият, санъат намоянадалари иштирокидаги учрашувлар, китобхонлик танловлари, "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шиори остида ёшлар ўртасида "Варрақлар сайли" ва бошқа кўплаб қизиқарли миллий ўйинлар ўтказилиши режалаштирилган. Кенг жамоатчилик иштирокида жойларда "Нурунийлар масканлари", "Маҳалла маркази" мажмуалари, "Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари", фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш комплекслари, аҳолини касб-хунарга ўқитиш масканлари, шунингдек, оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларга ажратилган янги уйларни топшириш маросимлари ўтказилади. "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киририлган ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга кредитлар топширилади.

Брифинг доирасида иштирокчилар пойтахтимиздаги бир қатор маҳаллаларнинг фаолияти билан яқиндан танишди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари кон-металлургия, энергетика, тўқимачилик, кимё, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги ва туризм вилоят иқтисодиётида асосий драйвер бўлиши кераклигини таъкидлади.

Жумладан, жорий йилда Туркия компанияларининг 450 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобига Қибрай туманида умумий қуввати 710 мегаватт бўлган иккита иссиқлик электр станцияси ишга туширилади. Шунингдек, Бўстонликда 1 миллиард 48 миллион доллар сармоя эвазига жами қуввати 540 мегаватт бўлган иккита гидроэлектр станцияси қурилиши режалаштирилган.

Мутасаддиларга вилоятда 14 та янги кичик саноат зонаси ташкил этиш, фойдаланилмаётган 18 норуда конлар негизида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Чирчиқ шаҳрини замонавий инновациялар ва инвестициялар шаҳрига айлантириш, шу намуна асосида вилоятнинг бошқа шаҳарларини ҳам комплекс ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

16 минг гектарда боғ ва тоқзорлар барпо этиш, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ижтимоий соҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, мактабларни таъмирлаш, 4 та туманлараро тиббиёт маркази ташкил этиб, гемодиализ хизматларини йўлга қўйиш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Кўп қаватли уйлар, йўллар, ичимлик суви тармоқлари қуриб, қишлоқ ва маҳаллалардаги турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар маълум қилинди.

Мутасадди раҳбарлар Президент айтган устувор вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан халқ депутатлари олдида ҳисобот берди.

Давлатимиз раҳбари шаҳар ва туман студияларидаги аҳоли билан суҳбатлашиб, улар билдирган таклифларни қўллаб-қувватлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Нурафшон шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Маълумки, 2017 йил Тошкент вилояти маркази Нурафшон шаҳрига кўчирилган, давлатимиз раҳбари 2019 йили бу ерга келганида замонавий мажмуалар барпо этиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу галги ташриф чоғида бажарилган ишлар кўздан кечирилди. Давлатимиз раҳбарига Нурафшон шаҳрининг Бош режасига мувофиқ амалга ошириладиган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Бугунги кунда Тошкент йўли кўчаси кенгайтирилиб, унинг икки томонида 42 объект фойдаланишга топширилган. Айни пайтда бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Илгариги бир қаватли эски иморатлар ўрнида 7 ва 9 қаватли уйлар, маъмурий бинолар, бизнес марказлар, меҳмонхона, тиббиёт ва таълим муассасалари, гипермаркетлар қурилмоқда.

Тошкент вилоятида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот ўтказилди.

Президент мактаб ва боғчаларни қуриш билан бирга таълим мазмунини бойитиш, энди қамровдан сифатга ўтиш кераклигини таъкидлади. Аҳоли келишига қулай жойда замонавий шифохона ташкил этиб ҳамда уни клиник база қилиб, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқ берди.



Жаҳонда қайси мамлакатда аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган электр энергия миқдори кўп бўлса, ўша мамлакат аҳолиси фаровон яшайди.

Академик С.П.Капица.

ЎЗБЕКИСТОНДА АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИНING ИШГА ТУШИРИЛИШИ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРДАН БИРИДИР

Азиз ўқувчим! Рус олим академик Сергей Петрович шиорида инсоният фаровонлиги учун электр энергия асосий муаммолардан бири сифатида қаралмоқда.

2020 йил куз ойларидаги совуқ иқлим Ўзбекистон аҳолисига анча қийинчиликлар туғдирганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали барчамиз огоҳ бўлдик. Агар биз Ўзбекистон аҳолиси жон бошига ишлаб чиқариладиган электр энергиясини оширишни мақсад қилиб қўяр эканмиз Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда мамлакат атом энергетикасини умумий энергетика балансида киритиш, ундан камиди 60 йил давомида хавфсиз фойдаланишни таъминлаган ҳолда республика ҳудудида атом электр станцияси барпо этишни назарда тутувчи Ядро-энергетика дастурини амалга оширишни жадаллаштириш зарур деб ўйлаймиз. Бинобарин, шу сабаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги “2019-2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ижро этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ядро-энергетика дастурини атом энергиясидан хавфсиз фойдаланиш талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар билан ўз вақтида ва тўлақонли таъминлаш мақсадга мувофиқ эканлигини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон миллий университетига ва Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти маъмурияти билан биргаликда президентимиз қарорини амалга ошириш учун чоралар кўрилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамиз. Физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машинасозлик, электротехника, IT, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди”, деб мурожаат қилди.

Ўтган асрнинг 30-йилларида урanni нейтронлар таъсирида иккига бўлиниши ва бу жараён энергияни ажралиб чиқиши билан боғлиқ бўлгани учун илмий-тадқиқот марказларида ишлайдиган физик олимлар ва муҳандислар ушбу энергияни жиловлаш учун тадқиқот ишлари олиб бордилар. Уран ядроси бўлинишидаги нейтронларнинг энергиясини пасайтириш учун графит кулай материал эканлиги аниқланди. Ниҳоят 1942 йилда Америкада ядро реактори италиялик олим Энрико Ферми раҳбарлигида ишга туширилди.

Ядро реакторига кечадиган занжирли реакцияда ҳосил бўлган нейтронлар оқимини меъеридан ортиқ юзага келмаслигини махсус нейтрон ютадиган материаллар ҳисобига назорат қилинади. Тадқиқотчи физикларни реактор қарида уран-238 изотопининг нейтронни ушлаб қолиши ҳисобига юзага келадиган плутоний-239 изотопининг физик хусусиятлари қизиқтириб қолди. Ушбу изотопнинг физик хусусияти худди уран-235 изотопга ўхшаш нейтронлар таъсирида занжирли реакцияни юзага келтирар экан. Шу сабаб, ядро реактор маҳсули бўлган плутонийни химиявий йўл билан ажратиб олиш ва ундан атом бомбаси яратиш учун Америка ҳарбий ходимлари катта маблағ сарфладилар. Биз тарихдан Нагасаки ва Хиросима шаҳарларига АҚШ ҳарбий кучлари томонидан ташланган плутоний бомбаси тўғрисида эшитганмиз.

Бутун жаҳон олимлари ушбу қирғинбарот қуролни яратгандан кўра занжирли реакцияда ажралиб чиқадиган энергиядан тинчлик мақсадида фойдаланиш, инсоният фаровонлигига кўпроқ фойда келтириши тўғрисида илмий анжуманга тўпланишни зарур деб топдилар. Ниҳоят, 1955 йил августида Женева шаҳрида бўлиб ўтган атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича ўтказилган биринчи Халқаро илмий-техник конференцияда ядро энергетикаси энергия ишлаб чиқаришнинг янги йўналиши сифатида тан олинди ва бу билан ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишдаги Халқаро ҳамкорлик бошланди.

Ядро реакторларининг тузилиши ва ишлаш тамойиллари турлича ва жуда мураккаб бўлиб, ундан керакли мақсадларда фойдаланиш учун унинг ҳар бир қисми ниҳоятда катта аниқлик билан тайёрлаш талаб этилади. Масалан, бошқариловчи ядро реакциясини амалга ошириш ва унинг хавфсиз давомий ишлашини таъминлаш учун ишловчи асбоблардаги четланишлар 10^{-8} дан ошмаслиги керак. Бу эса АЭС ва ядро реакторлари устида меҳнат қилаётган олимлар, конструкторлар ва

муҳандислардан нечоғли чуқур билим ва малака талаб этилишини кўрсатади. Атом ядросининг энергиясидан тинчлик мақсадларда фойдаланиш юзасидан собиқ СССР давлатининг физик олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Бугунги кунда ядро энергетикаси инсониятни дунёда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 20-25 фоизи билан таъминлайди. Фан ва технологиянинг бугунги кундаги янгиликлари ва имкониятларига асосланган ҳолда олимлар яқин ўн йилларда атом энергияси кулай ва экологик жиҳатдан нисбатан тоза бўлган асосий энергия манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини тасдиқлашмоқда. Тинчлик мақсадларидаги атом энергия блокларининг қурилиши янги технологияларни яратиш, мамлакатнинг янги ва тезкор ривожланиш босқичига ўтишидаги имкониятларнинг ошишига олиб келади. Буни Америка ва Европанинг ривожланган давлатлари мисолида кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан, ядро энергетикасидан фойдаланиш мақсадларига тор доирада қарамаслик лозим.

Ҳозирги кунда инсониятнинг энергияга, унинг қай турда бўлишига қарамасдан, эҳтиёжи жуда тез суратларда ошиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо жамият учун бугунги кунда ҳам уч омил муҳимдир: олинаётган энергиянинг таннархи ва энергия манбаининг атроф-муҳит экологияси учун зарарсизлиги, энергия манбаининг хавфсизлиги ва қанчалик самарали эканлиги, энергия таъминотининг узлуқсизлиги ва давомийлиги. Атом энергетикаси бу уч омилга ҳам қониқарли тарзда жавоб бера олади. Масалан, АЭС ишлаб турганда атмосферага чиқариловчи углерод миқдори бошқа энергия манбаларига (кўмир ёки газда ишловчи) нисбатан олганда жуда кам. Атроф-муҳитга тарқалаётган радиоактив изотоплар миқдори, радиоактив чиқиндилар халқаро меъерларга тўлиқ мос келиши керак. Хомашё вазнининг кичиклиги атом электр станцияси ишлаб чиқарувчи энергиянинг таннархини бир неча ўн йиллар давомида, мутаносиб тарзда, деярли бир хил ушлаб туриш имконини беради. Катта қувватли АЭСларнинг ишлаш муддатини, уларнинг ресурсларини алмаштириб туриш билан 60 йилдан 100 йилгача етказиш мумкин. Кўпгина давлатлар энергетика вазириликларининг муаммоларнинг бу тарздаги ечимлари тўғрисидаги қарорлари юқоридаги фикрлар билан мос тушади. Масалан, Франция ҳукумати муқобил энергия манбаларини ривожлантириш билан бир қаторда мамлакат энергия таъминотининг камиди 75 фоизини АЭСлар зиммасига қолдирмоқда. Шу сабабли бу мамлакатда электр энергиясининг таннархи Европадаги бошқа давлатларга нисбатан энг паст кўрсаткичга эга. Бирлашган Араб Амириклари атом энергияси бош директори Муҳаммад ал-Ҳаммади фикрича, мамлакат электр энергияси таъминотининг 25фоизини АЭСлар ташкил этиши керак. Бу эса атмосферага 3 миллион тонна углерод диоксиди чиқиб кетишининг олдини олади. Беларусда қурилуви АЭС мамлакатни электр энергияси истеъмолининг учдан бир қисми билан таъминлайди. Республика энергетика вазири В.Каранкевичнинг айтишича, атом энергияси маориф сифатини ошириш, илмий-техник потенциални ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш корхоналарининг пайдо бўлиши, транспортда ва аҳоли яшаш ўйлари иситиш тармоқларида электр энергиясидан фойдаланишнинг янги соҳаларини очишга ҳамда ривожлантиришга имконият яратади.

Дунёда саноатнинг ривожланиши туфайли яқин йилларда электр энергиясига бўлган талаб ниҳоятда ортиб кетиши башорат қилинмоқда. Дунёда етарли энергия балансини таъминлаш, иқлим ўзгаришларини юмшатиш каби мураккаб масалаларнинг ечимларидан бири ишга туширилаётган ядро қувватларини оширишдан иборатдир.

2019 йилнинг ўрталарига келиб дунёда фаолиятда бўлган ядро энергоблокларининг сони 453 тага етди. Дунё бўйича АЭСларда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг ярми АҚШ ва Франция давлатларига тўғри келади. Бугунги кунда ишлаб турган ядро реакторларининг ўртача ёши 28 йил бўлиб, Швецияда 52 йилдан буён ишлаб турган реактор ҳам бор. Бугунги кунда Россиянинг “Росатом” давлат корпорацияси Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Венгрия, Словакия, Миср

мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам АЭС қуриш ишларини олиб бормоқда.

АЭСларнинг экологик жиҳатдан ягона камчилиги турбина конденсаторларини совитиш учун сувни кўп истеъмол қилишидир. Бироқ, замонавий атом электр станцияларида асосан сунъий ҳосил қилинган сув омборлари ёки сув минораларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, АЭСнинг бир қисм иссиқлигидан аҳоли яшовчи хонадонларни, корхоналарни иситишда фойдаланиш мумкин. Бу эса иссиқликнинг бесамар йўқотилишини камайтиради.

Ҳозирги кунда ҳам АЭСларнинг фойдали иш коэффицентларини ҳамда хавфсизлигини ошириш мақсадида янги авлод ядро реакторларининг халқаро лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда ва тажриба синовдан ўтказилмоқда.

2018 йил 20 июлда ядро физикаси соҳасида юқори малакали ходимларни тайёрлаш мақсадида Тошкентда Москва муҳандислик физика институтининг филиали очилди. Ўзбекистон АЭС қурилиши учун Жиззах вилояти Фориш туманидаги “Тузкон” кўли атрофи танланди.

Ўзбекистонда АЭС қурилиши иқтисодий самара беради. Ҳисоб-китобларга кўра АЭСнинг қурилиб ишга туширилиши бир йилда 3,7 миллиард кубометр газни тежаш имконини беради. Бу жуда катта кўрсаткич. Чунки табиий газнинг иқтисод қилиниши ички истеъмолни қоплашдан ташқари газ экспорти салоҳиятини ҳам оширади. АЭС мамлакат электр энергиясига бўлган талабининг 15 фоизини тўлдиради. Бундан ташқари, АЭС қурилиши учун киритилган 1 доллар бюджетга 1,4 доллар, ялпи ички даромадга 4,3 доллар фойда келтиради.

Ўзбекистоннинг электр энергиясига бўлган талаби, бугунги кунда 69 млрд кВт/соат. Унинг деярли 85 фоизи табиий газ ва кўмир билан ишловчи ИЭСлардан, 15 фоизи ГЭСлардан олинади. Электр энергияси ишлаб чиқариш учун 16,5 млрд/куб метр табиий газ, 86 минг тонна мазут, 2,3 миллион тонна кўмир ишлатилади. Аҳоли сонининг ошиб бориш билан биргаликда электр энергиясига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда АЭСнинг қурилиши энергетика балансидаги углерод ҳиссасини камайтиришнинг ягона йўлидир. Қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш ривожланиб ва жадаллик билан ўсиб бораётган ишлаб чиқаришни етарлича таъминлай олмайди.

Ўзбекистон уран захираси бўйича дунёда етакчи – 9 ўринда туради. Бу эса АЭС ишга туширилгандан уни ядро ёнилғиси билан қийнчиликсиз таъминлаб туриш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича қонуний базани яратиш устида ишлар жадал кетмоқда. Тузкон кўли атрофидаги майдонда зарур тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. Муҳандислик ишлари ва тадқиқотларда ўзбекистонлик ва россиялик мутахассислардан ташқари халқаро экспертлар ҳам иштирок этишмоқда. Асосий вазифа – АЭС бунёд этилуви майдонининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича МАГАТЭнинг барча талаб нормаларига тўлиқ жавоб беришидир.

Ўзбекистон FA Ядро физикаси институти ўзининг 60 йилдан зиёд фаолияти давомида ядро физикаси ва ядровий технологиялар соҳасида дунё илмий ҳамжамияти томонидан тан олинган йирик тадқиқот марказига айланган. Ўзбекистон атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасида илмий базага эга. Хусусан, республикада тадқиқотлар ядро реакторидан фойдаланган ҳолда илмий изланишлар 1959 йилдан бери олиб борилмоқда. Атом энергетикасини ривожлантириш бўйича халқаро тажрибани ҳамда Халқаро атом энергияси агентлиги тавсияларини ҳисобга олган ҳолда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш миллий ядровий инфратузилманинг ғоят муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Атом энергетикаси вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастур айнан шу масалаларни босқич-ма-босқич амалга оширишга мўлжалланган.

Раҳматулла БЕКМИРЗАЕВ,

Физика-математика фанлари доктори, профессор,

Боймурот СУЛТОНОВ,

Физика-математика фанлари номзоди, доцент.

ЎЗА



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШДАГИ ЎЗГАРИШЛАРДАН ОДАМЛАР МАМНУН

Барчамизга маълумки, жорий йилги Давлат дастури лойиҳасида пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқароларга қулай шароитлар яратиш юзасидан бир қатор амалий ишлар белгилаб қўйилган.



Унга кура, шу йилнинг 1 июнидан пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган даври – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида, тасдиқловчи ҳужжатлар

талаб этилмасдан ҳисобланади. Уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади. Ишловчи фуқароларга ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлиши

учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади. Пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади. Пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун ариза-

лар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобиль иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади. Фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

Булардан кўриниб турибдики, фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш, пенсияга чиқиш олдидан ортиқча овозгарчиликларга барҳам бериш мақсадида қатор ўзгаришлар қилинмоқда.

Н. САЙДАЗИМОВ,

Арнасой тумани бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлим бошлиғи.

Табрик

ИПОТЕКА BANK

Assalom Navro'z

Ипотека-банк АТИБ жамоаси

Барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан муборақбод этади. Ушбу байрам ҳаётингизга қувончли хабарлар, фаровонлик, осойишталик бахт ва саодат олиб келсин.

Юртимиз тинч осмонимиз мусаффо бўлсин. Ипотека-банк ҳамшиша Сиз билан!

Имқоният яратамиз!

Хизматлар лицензияланган.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг янги механизмлари кенг жорий этилиши натижасида етиштирилаётган пахтани чуқур қайта ишлаш, уни ип-калава ва кийим-кечакка айлантиришга катта эътибор берилди. Авваллари етиштирилган пахтанинг 80-90 фоизи хомашё сифатида хорижга сотилган бўлса, эндиликда асосий хомашё шу ернинг ўзида қайта ишланиб, кийим-кечакка айлантирилиб, тайёр маҳсулот ҳолида ички бозорга ва хорижий давлатларга сотилмоқда.

Кластер

ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ МУҲИМ ЎЗАГИ



Бу йўналишда пахтачилик кластерларнинг ташкил этилиб, янги техника воситалари, замонавий технологияларнинг ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилаётганлиги, янги тизимда юқори самарадорликни кўзлаб ишлаш механизмининг яратилганлиги пахтадан олинаётган даромадни бир неча ўн баробар оширмоқда. Айниқса, кейинги тўрт йилда қишлоқ хўжалигида эриштирилган катта ютуқлар кластер тизимининг ҳар жиҳатдан афзаллигини исбот этди. Бунда икки томонлама тузилган шартномага кўра, барча воситалар – ёнилғи мойлаш материаллари, уруғлик, доривор препаратдан тортиб сув ва иш ҳақларини ҳам кластер фермер хўжалиқларига етказиб беради. Кластер билан шартнома тузган фермер олдингидек гектаридан 25-30 центнердан ҳосил етиштириш учун эмас, 40-45 ва ҳатто 50 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилади. Негаки, бу усулда фермернинг манфаатдорлиги етиштирилаётган ҳосил салмоғига қараб ўсиб боради. Кластер тизимида инновацион технологияларни жорий этиш, чунончи, ерни экиш-тикишга тайёрлаш, тупроқ унумдорлигини оширишда лазерли текислаш, ғўза навларини жойлаштиришда ер шароитига қараб энг сара уруғларни танлаш, озиклантиришда маҳаллий ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланишга, сувни тежайдиган томчилатиб суғориш технологияларини самарали жорий этишга катта эътибор қаратилади. Биргина лазерли текислаш орқали уруғнинг унумчанлик, ғўзанинг ўсувчанлик хусусиятлари кескин яхшиланиши ҳисобига ҳосилдорлик аввалгиларга нисбатан 10-12 центнер ортади. Ғўзани озиклантиришда суспензия ва юқори ундурувчан препаратларнинг, суғоришда эса янги инновацияларнинг қўлланилиши ўз навбатида ҳосилдорликни 6-8 центнер кўпайтириш билан бирга ўғит, ёнилғи мойлаш материалларини 30-40 фоизга тежайди, ишловни икки баравар камайтиради. Янги усулда толалиги

юқори сифатли хомашё етиштириш энг асосий мезон этиб белгиланади. Ушбу тизимда тежамкорлик кескин ошади. Экиш-тикиш даврида ишлатиладиган, хориждан келтирилган сеялкалар чигитни белгиланган меъёрга аниқ чуқурликка ташлайди. Турдошларига нисбатан янги сеялкаларда чигит экилганида уруғ 25-30 фоиз иқтисод қилинади. Аксарият кластерларда уруғнинг одатдагидек 90 лик схемада эмас, 76 лик схемада жойлаштирилаётгани гектарларда тиғиз, кўп кўчатлар ўстирилиши баробарида ердан юқори самарада, тежамли фойдаланилишини таъминлайди. Масалан, 90 лик схемада бир гектар майдонда 90-120 минг туп кўчат ўстирилса, 76 лик схемада бу кўрсаткич 150-160 минг тупни ташкил этади. Шундай экан, табиийки, кўп кўчат ўстириб, парваришланган майдонларда ҳосилдорлик юқори бўлади. Иш юритишда бутунлай янги шакл ва усулга амал қилинади. Пахта майдонлари тўлиқ кластерлар тасарруфига ўтказилган ҳудудларда ҳудуд бошлиқлари 3 миллион сўмгача, механизатор ва ишчилар 2 миллион сўм атрофида маош олади. Яна ғалладан бўшаган майдонларда иккинчи экин ўрнида экспортбоп мош, нўхат, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг етиштириб келинаётганлиги қишлоқ хўжалиги экинларидан олинаётган фойдани икки-уч марта оширяпти. Ғалла майдонларига дуккакли экинлар ва сабзавот экинларининг жойлаштирилиши тупроқда гумус миқдори ортиб, ернинг шўрланиш даражаси кескин камайишини, камунум майдонлар микроэлементлар билан бойиши ҳисобига унумдор майдонлар кенгайишини таъмин этади. Энг ибратлиси, терилган ҳосилнинг шу ерда қурилган корхоналарнинг ўзида қайта ишланиб, ип-калава ва кийим-кечакка айлантирилиши, тайёр буюмларнинг ички ва ташқи бозорга сотилиши пахтадан кўрилаётган даромадни бир неча ўн ҳисса кўпайтиради. Аниқ маълумот-

ларни келтирадиган бўлса, жаҳон бозорида 1 килограмм пахта толасининг нархи ўртача 1,5 доллар атрофида баҳоланса, ип-калаванинг нархи 5 доллардан ортади. Муҳими, ишлаб чиқаришнинг шу ерда йўлга қўйилиши ҳисобига минглаб одамлар янги иш ўринларига эга бўлаётир.

Янги ишлаб чиқариш усулининг ҳар жиҳатдан қулай ва афзаллиги Сирдарё вилоятида ташкил этилган кластер хўжалиқлари эришаётган муваффақиятларда ҳам аниқ-тиниқ сезилиб турибди. Чунончи, вилоятда кластер усули даставвал Мирзаобод ва Ховос туманларидаги “Бек кластер” қўшма корхонасида йўлга қўйилган бўлса, 2021 йилга келиб улар сони ошди.

Боёвут туманидаги “Боёвут техно кластер” кластер хўжалиги 2016 йилда ташкил этилган. Янги ишлаб чиқариш усули тумандаги фермерларга ҳар томонлама маъқул бўлди. Кластер мутахассислари ер тайёрлаш, чигит экиш, ишлов ва суғориш даврида барча воситаларни фермерларга ўз вақтида етказиб бериб, дала ишларининг боришини доимий мониторинг қилиб борадилар. Бунда ғўза ривожини, ҳосил тўплаш, пахтани йиғиб-териш олиш жараёнлари эътибордан четда қолмайди. Энг асосийси, агротехникада юзага келган кичик муаммолар ҳам фермерлар билан баҳамжиҳат ҳал этилади.

Қисқа вақтда ушбу жамоа катта ютуқларни қўлга киритди. Биргина ўтган йили фермерлар 34 минг 800 тонна сара пахта топширди. Авваллари гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 40 центнердан ошди. Энг характерли жиҳати, биринчи бор туманда йиғим-терим даврида четдан ҳашарчи жалб этилмади. Даладаги бор ҳосил туманда яшовчи кўнгилли теримчилар кучи билан сарамжомланганлиги натижасида минглаб оилаларнинг рўзғорига

барака кириб, моддий манфаатдорлиги янада яхшиланди. Қабул масканларига уюлган пахтанинг 10 минг тоннаси машиналар ёрдамида териш олинди. Янги усулда ҳар бир фермер пировард натижани кўзлаб ишлади. Негаки, қозон ҳам, чўмич ҳам ҳамманики, кластерники деган тушунча ҳамманинг онгу шуурини эгаллади. Қанча сифатли ва кўп ҳосил етиштириб, қайта ишлашса, тайёр маҳсулотга айлантиришса барча бирдек манфаатдор бўлади. Аҳамиятли жиҳати, етиштирилган пахтанинг ҳаммаси кластернинг ўзида қайта ишланяпти. Энг асосийси, бу ерда бирорта маҳсулот, чиқит ҳам исроф бўлмайди. Пахтани қайта ишлашдан ҳосил бўладиган қолдиқ маҳсулотлардан кластернинг иссиқхона хўжалиқларида кенг фойдаланилаётир. Сабзавот ва кўкат етиштиришга ихтисослаштирилган хўжалиқлардан ҳам қолдиқ маҳсулотларга тинмай талаблар тушиб турибди. Энг қувонарлиси, ўтган йили ушбу МЧЖга қарашли “Боёвутлик Хумоюн” ва “Нурафшон Боёвут” фермер хўжалиқларининг 120 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияси қўлланилди. Суғоришнинг янги усулида обиҳаёт 50-60 фоиз тежалиши билан бирга сарф-харажатлар бир ярим баравар камайди. Вегетация даврида эса қатор ораларига умуман техника олиб кирилмади. Боз устига қабул саройига топширилган пахтанинг ҳаммаси биринчи синфга ўтказилди. Янги инновацияларни амалиётга кенг татбиқ этаётган кластер хўжалиги деҳқонлари бу йил 1200 гектар майдонда томчилатиб суғориш лойиҳасин амалга оширишни мақсад қилишган. Ип-калава ишлаб чиқариш корхонаси қурилишини шу йилнинг биринчи ярим йиллигида тугаллаш чоралари кўрилмоқда. 10 минг тонна толани қайта ишлайдиган ип-калава ишлаб чиқариш корхонаси Германия ва Япониядан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланади.

– Фабрика ишга туширилиши ҳисобига боёвутлик 900 нафар ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлади, – дейди “Боёвут техно кластер” масъулияти чекланган жамияти раиси Шукурхон Комилов. – Келгуси йилдан эса трикотаж маҳсулотлари ва кийим-кечаклар тайёрлаш корхоналари қурилишини ҳам бошлаб юборамиз. Бу эса туманда етиштирилган пахтани тўлиқ қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга, кийим-кечакка айлантириб экспорт қилиш имконини беради.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



Барчамиз тинч ва осойишта юртимизнинг яна бир қадимий шодиёнаси – Наврўз умумхалқ байрамини кўтаринки кайфият, шоду хуррамлик билан кутиб олмоқдамиз. Уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган шарқона янги йил ўзининг янгилашиш, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалбига чуқур сингиб кетгани, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан қадрли ва суюклидир. Барчангизни миллий қадриятларимизнинг тимсоли бўлган ушбу байрам билан чин қалбимиздан табриклаймиз.

Навоий вилояти ҚҮЙИ ЗАРАФШОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

*Табиатга меҳр-ла боқиб,
Самоларда кулди тўлин ой,
Лола гулдан гул чамбар тақиб,
Адирлардан тушди кўкламой.
Чиройини қилиблар кўз-кўз,
Боғларимдан гул терди Наврўз!*



“КЎҚОНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ” АЖ жамоаси

азиз ҳамюртларимизни, шу жумладан,
донни қайта ишлаш саноати ходимларини
янгилаш, уйғониш палласи бўлмиш баҳор
фаслининг қутлуғ айёми –
Наврўзи олам билан табриклайди.



Омилкор деҳқонлар, танти ва сергайрат
галлакорларимизнинг эзгу ният ила ерга
қадаган уруғлари баракали бўлиб, жорий
деҳқончилик йилида ҳам бунёд этажак
ҳосил хирмонлари янада юксак, эришган
ютуқлари салмоқли бўлишини тилайди.



“ОҚОЛТИНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ” АЖ жамоаси

Баҳорни соғиниб
яшаса одам,
Ҳаёт ишқи зинҳор
дилни этмас тарк!



барча ҳамюртларимизни серқуёш юртимизга
саранжом-саришталик, ободлик, қувончу хуррамлик
олиб келаётган

Наврўз айёми

билан табриклайди. Мамлакатимиз равнақи, эртамиз
фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётган
заҳматкаш халқимиз, жумладан, донни қайта ишлаш
тизими ходимларининг эл маъмурчилигини
таъминлаш борасидаги ишлари барорли бўлишини
тилайди. Шарқона янги йил элимиз дастурхонига
тўкин-сочинлик, хонадонларимизга
қут-барака олиб келсин.

Ҳар бир кунини байрам бўлсин, қадрли юрtdошлар!



Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги
ҳузуридаги Автомобил йўллари
қўмитаси таркибидаги
"Тошкент вилояти йўллардан
мунтазам фойдаланиш"
унитар корхонаси фаолиятини
бошлаганига роппа-роса уч йил
бўлаяпти.



Йўллар қурувчи, уларни тасарруф этувчи ташкилотларга махсус йўл қурилиш машина-механизмлари, турли русумдаги юк ташиш автотранспорт воситалари билан хизмат кўрсатувчи мазкур корхонада ўтган шу уч йил ичида кўплаб эътиборга молик, эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда корхонада Самарқандда ишлаб чиқарилган турли русумдаги 210 дона "MAN" юк ташиш автомобиллари ҳамда 105 дона жаҳоннинг нуфузли компанияларида ишлаб чиқарилган йўл қурилиш механизмлари мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланилмоқда.

Ўтган йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикасига Япония ҳукумати 7,3 миллион доллар бўлган гранти асосида 30 дона "SACAI" русумли йўл қурилиш техникалари беғараз ёрдам сифатида топширилди. Техникаларни топшириш маросими корхонада бўлиб ўтди. Тадбирда Япония давлатининг юртимиздаги элчиси Ё. Фуджияма иштирок этиб, махсус техникаларни тантанали равишда топширди.

Турли миллат вакилларида иборат 600 киши меҳнат қилаётган корхонада ишчилар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилган бўлиб, бу корхона ютуқларини таъминламоқда. Касаба уюшмаси томонидан ҳар йили ишчи ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, қулай иш шароитларини яратиш, кам

ЙЎЛЛАР РАВОНЛИГИ ЙЎЛИДА...



таъминланган ишчиларни моддий рағбатлантириш каби чора-тадбирларни ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич бажарилиши таъминланмоқда. Жумладан, ўтган йили пандемия шароитида ҳам соғломлаштириш масканларига йўлланмалар ажратилди, ходимларнинг молиявий аҳволини яхшилаш учун уларга пул маблағлари берилди. Ходимлар махсус кийим бош, икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Турли байрам тадбирлари сабабли ишчиларга мукофот пуллари,



қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш учун пул маблағлари ажратилди. Ушбу тадбирлар жорий йилда ҳам корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланган дастур асосида амалга оширилмоқда.

Корхонада ўз касбининг моҳир усталари, ота касбининг давомчилари – оилавий сулола вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этиб, барчаси аҳилликда, ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб келмоқдалар. Жумладан, М. Ақилбеков, У. Батиров, А. Уразбоев каби ҳайдовчиларнинг ўғиллари ҳам ота касбини ардоқлаб келмоқдалар. Устоз-шоғирд анаъна-



туну кун меҳнат қилдилар.

Корхонада янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида янги бўлимлар, жумладан, йўл қурилиши фаолияти билан бевосита шуғулланувчи алоҳида бўлим ташкил этилди. 4P-21 "Сергели айланма йўли"нинг 0-22 километрларини тасарруф этиш учун Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси билан шартнома тузилди ва 55 та янги иш ўрни очилди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг қутлуғ 30 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун юртимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги қурилиш, ободонлаштириш ишларида корхона механизаторлари, ҳайдовчилари ҳам салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Корхона жамоаси ватанимиз равнақи, гуллаб яшнаши, обод бўлиши йўлидаги масъулиятли ҳамда савобли вазифаларни бажариб келаётганликларидан фахрланадилар. Шу каби эзгу лойиҳаларни рўёбга чиқаришда муносиб иштирокчи бўлган жамоа вакиллари фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни, хусусан, ҳамкасбларини қутлуғ байрам – Наврўзи олам билан самимий қутлайди. Жаннатмонанд юртимиз ҳамisha тинч, осмонимиз мусаффо, юксак тараққиёт сари элтувчи йўлларимиз ойдин ва равон бўлишини тилайди.

Раимқул СУЯРОВ





Наврўзи олам шаҳару қишлоқларимиз, хонадонларимизга орасталик, қалбларга сурур бағишлаб юртимизга кириб келди. Ободлик, фаровонлик йўлидаги хайрли ишларимиз, турли соҳалардаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз ўзига хос янги босқичга кўтарилди. Она Ватанимизнинг юксак тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшиш истагида бўлган юртдошларимиз қалбида янгиликка интилувчанлик, ғайрату шижоат янада жўш урмоқда.

Барчамизни руҳан уйгоқликка, шижоату меҳнатсеварликка чорлаётган баҳор нашидаси йил бўйи қалбларимизни тарк этмасин. Жонажон диёримизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикка, фаровон ҳаётимизга ҳеч қачон кўз тегмасин.

“Ўзсувқурилиш”
акциядорлик жамияти жамоаси



Наврўз айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!



“БЎКАМАХСУССУВПУДРАТ”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

янгиланаётган Ўзбекистонимиз аҳлини, сув хўжалиги тизимида фаолият юритаётган барча ҳамкасбларини, улар билан ҳамкорлик қилиб, хизматларидан фойдаланаётган буюртмачиларни қутлуғ айём –

Наврўз байрами

билан чин дилдан муборакбод этади.

Юртимиз бўйлаб навбаҳор шукуҳлари кезиб юрган шу кунларда ишларимиз янада авж олмоқда. Хусусан, Бўка туманидаги “Алхажар-Жинғилсой” коллектор тизимида амалга оширилган ялпи тадбирлар натижасида 3400 гектар ернинг ҳолати яхшиланди. Нурафшон шаҳридаги “Смарт Сити” ҳудудида йилдан йилга ўтувчи ётиқ, ёпиқ, горизонтал дренаж тизимида белгиланган вазифалар ижроси таъминланмоқда. Пискент туманидаги 3-сонли “Дукер” таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Яна бир эътирофли ютуқларимиздан Бўка туманидаги “Туркистон” ҳудудида 2 та, Бекобод туманида 2 та насос станцияларининг қурилиши муносабати билан ҳар иккала туманда жами 513 гектарга яқин яроқсиз ҳолга келиб қолган ерлар фойдаланишга қайтарилди. Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни яна бир бор шарқона янги йил билан чин дилдан табриклаймиз.

Доимо дастурхонимиз тўкин, юртимиз тинч бўлсин, азизлар!

Сўнги йилларда республикада ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ерлардан фойдаланишда давлат назоратини кучайтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, ер ресурсларини ҳисобга олиш ишлари борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилаёпти.



ЕРГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ

сида мавжуд яйловларни асраш, таназзулга юз тутишининг олдини олиш, яйлов ўсимликларининг ҳосилдорлигини ошириш, умуман олганда яйловлардан оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Энг муҳими, “Навилерлойиҳа” бўлинмаси мавжуд яйловларда яйлов хариталарини электрон кўринишда шакллантириш, яйлов фойдаланувчиларини хатловдан ўтказиш, яъни, мавжуд чегараларига ва ер майдонларига аниқлик киритиш сингари муҳим вазифаларни самарали амалга оширяпти. Шунингдек, бўлинма томонидан яйловларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш, хусусан, яйлов ерлардаги қайси турдаги ўсимликлар ўсиши, деградацияга учраётган яйлов ерлар ҳақида маълумотлар, яйлов ер майдонларидан фаслларга қараб чорва молларини алмашлаб боқиш ва ердан фойдаланувчиларга ер ажратиш учун лойиҳаларни бажариш ва ҳар бир ердан фойдаланувчиларга ер майдонлари тўғрисидаги хариталарни яратиш, кластерлар билан шартнома асосида ишларни ташкиллаштириш борасида ҳам намунали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Аҳад ШОВҚИЕВ,
“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ
“Навилерлойиҳа” бўлинмаси
директори.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди, десак ҳар томонлама тўғри бўлади.

Бугун Навоий вилоятининг умумий майдони 10 948 086 гектарни ташкил этса, шундан 8 747 589 гектари яйловлардан иборат. “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг “Навилерлойиҳа” Навоий вилояти бўлинмаси жамоаси томонидан мазкур яйловларнинг геоботаник харитаси ишлаб чиқилмоқда, унинг ҳар қаричидан самарали фойдаланиш, озик-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш, аҳолига гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб беришни кўпайтириш, экспорт қилиш учун янги имкониятларни ишга солишга астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Яйловлар чорва молларини боқиш ва кўпайтириш учун асосий озуқа манбаи ҳисобланади. Шу сабабли геоботаник хариталар асо-



“Ўздаверлойиҳа”
давлат илмий-лойиҳалаш институтининг
“НАВИЛЕРЛОЙИҲА”
бўлинмаси жамоаси

юртдошларимизни,
мазкур тизимда самарали меҳнат
қилаётган барча ҳамкасб дўстларини
Наврўз байрами
билан самимий қутлайди.






“Кегейлидавсувмахсуспудрат” ҳамда “Хўжайлидавсувмахсуспудрат” МЧЖ жамоалари

*барча юртдошларимизни, жумладан, ризқимиз бутунлиги,
дастурхонларимиз тўкин-сочинлиги йўлида хормай-толмай меҳнат
қилаётган миришкор деҳқонлар, заҳматкаш фермерларимизни,
фидойи ирригаторларни, замин шифокорлари - мелиораторларни
баҳор фаслининг улуг айёми –*

Наврўз

муносабати билан самимий муборакбод этади.

**Мазкур йилда ҳам юртимиз
деҳқонларининг, ғаллақору
пахтакорларнинг бунёд этажак
ҳосил хирмонлари янада юксак ва
баракали бўлсин.
Кўнглимизга хуррамлик, ғурур ва
ифтихор бағишлаётган
муваффақиятли ишларимиз янада
кўпаяверсин!**





Навоий шаҳридаги “ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС”

масъулият чекланган жамияти жамоаси

*табиат уйғониб, бепаён далалар яшил
либосларга бурканаётган, кўклам нафаси
кўнгилларимизда беғубор ҳис-туйғулар
уйғотаётган ушбу қутлуғ кунларда
юртимизга кўтаринки кайфият, шоду
хуррамлик ила кириб келаётган*

Наврўз

*умумхалқ байрами билан барча
юртдошларимизни қутлайди.
Меҳр-оқибат тантанаси
бўлмиш Наврўзи олам элимизга
тўкинлик олиб келсин!
Гўзал ва бетакрор диёримизга
ҳеч қачон кўз тегмасин!
Хонадонингиздан файзу барака,
осойишталик ва фаровонлик аримасин!*



Эзгу ният ва тилаклар айёми Наврўз диларимизга жўшқин ҳаёт нафасини бошлаб келган баҳор фаслининг муаззам байрамидир. Ота-боболаримиз азалдан уни катта катта тайёргарлик, шоду хуррамлик билан қарши олишган. Ўзаро келишмовчиликларга барҳам берилган, гина-кудурутлар унутилган, муҳтожлар, беморлар ҳолидан хабар олинган. Ушбу айёмнинг мўътабарлиги, муҳтарамлиги ҳам мана шу инсоний фазилатлар уйғунлигида намоён бўлади.

Шундай улуғворлик касб этган мунаввар онларда барча юртдошларимизни байрам билан самимий табриклаб, кўнглимиздаги энг эзгу тилакларимизни йўллаймиз. Зеро, қутлуғ кунда қилинган тилаклар, орзулар ижобат бўлгай! Наврўзингиз муборак, қадрли ватандошлар!

БУРЧМУЛЛА ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Юртимизга қут-барака, ризқ-рўз рамзи сифатида кириб келган мафтункор баҳорнинг фараҳбахш дамларида қадрли ватандошларимизни, шу жумладан, донни қайта ишлаш саноати ходимларини қадимий ва ҳамиша навқирон

Наврўз байрами

билан қутлашдан гоаят бахтиёрмиз.

Фусункор фаслнинг безуборлиги, нафислиги, файзу таровати қалбларимизни бир зум бўлса-да, тарк этмасин. Мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, турмушимиз ободлигини таъминлашдек эзгу саъй-ҳаракатларимиз рўёбини, бошлаган хайрли ишларимиз роҳатини кўришлик барчамизга насиб қилсин.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, бозорларимиздаги тўкинлик, хонадонларимиздаги файзу баракага кўз тегмасин!

Айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

“САМАРҚАНД ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ”
акциядорлик жамияти жамоаси





Қадрли ватандошлар!
Барчангизни она диёримизнинг бепоён сарҳадлари узра гўзал сепини ёйган баҳор фаслининг қадимий ва улғвор айёми –

Наврўзи олам

муносабати билан қизғин муборакбод этамиз.

Юртимиз ободлиги йўлидаги хайрли ишларингиз барорли, ҳар бир кунингиз хурсандчиликка, шоду хуррамликка бой бўлишини тилаймиз.

Бетакрор фасл беғуборлиги, нафислиги, файзу таровати қалбларни бир зум бўлса-да, тарк этмасин. Сарҳадларимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги абадий, эзгу амалларимиз бардавом, муродбахш кунларимиз кўп бўлсин!

**“ТЎРТКЎЛДОНМАҲСУЛОТ” МЧЖ
жамоаси**

*Наврўз – бу гўзаллик, демак, нафосат,
Меҳр-оқибатнинг мезони – Наврўз.
Наврўз – бу саховат, файзу баракот,
Элимнинг ҳар кунини, ҳар уни – Наврўз!*





YILLIK

22%

gacha

*O'zsanoatqurilishbank jamoasi
O'zbekiston ahlini Navro'z bayrami bilan
qutlaydi va bahor fasliga bag'ishlangan
yangi turdagi OMONATLARNI taklif etadi!*



Xizmatlar litsenziyalangan

QISHLOQ
HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидаги ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва
идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Раимқул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер: **Маркс ЮСУПОВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон
ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-347, ҳажми 6 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
3 562 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.20